

# ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1989 йил 19 август, шанба. № 190 (6. 979). 1989 йил 19 август, шанба. Баҳоси 3 тийин

## Тонгги газеталарда

● Уртоқ М. С. Горбачевнинг миллий байрам — Афғонистон мустақиллиги қайта тикланганлиги муносабати билан Афғонистон Республикасининг Президенти Нажибуллога йўллаган табриги ҳамда Нажибуллонинг жавоб жавобига эъло қилинган.

● Нима учун Ойга биринчи бўлиб совет космонавтилари эмас, америка космонавти қадим қўйинди? «Аполлон» программаси ҳақида биз деярлик ҳамма нарсани билмиш. Модомки, СССРда АҚШдан ўзиб кетши вазафаси қўйилганли, қудратли техника яратилаётган эди. Бугун «Известия» газетасининг учинчи саҳифасидаги «Биз қандай қилиб Ойга учганимиз йўқ?» сарлавҳали мақолада биринчи марта Ойни забт этши совет программаси ҳақида ҳикоя қилинади.

● Республика газеталарида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 17 август кунини бўлиб ўтган мажлиси ҳақида ҳисобот берилган.

## ЎН ХОН ИЧИДА

● ВАШИНГТОН. АҚШ савдо министрининг вакили маълум қилишча, шу йилнинг июль ойида Американинг савдо қамомати 8,17 миллиард долларни ташкил этди. Шу ойда АҚШ экспорт 30,91 миллиард долларини, импорт эса 39,08 миллиард долларни ташкил этди.

● Американинг Япония билан савдодаги қамомати, деди савдо министрининг вакили, қамойиб, шу йилнинг май ойидаги 4,28 миллиард доллардан июль ойида 3,94 миллиардга тушди. Бироқ, АҚШнинг Тайвань билан савдодаги қамомат кўпайди.

● ЛИМА. Перу пойтахтидаги уч мингта яқин автобус ҳайдовчиси 24 соатлик иш ташлади. Улар иш ҳақини оширишга эришиш учун воқеа сифатида ишни тўхтатиш йўлини таллаган мингтаб меҳнатқилларга қўшилди. ЮПИ агентлигининг хабар қилишча, Лимада автобусларнинг учдан бир қисми маршрутларга чиқмади.

● Маъмурлардан иш ҳақини ошириш ва меҳнат шартини яхшилашни талаб қилган Перу қончилигининг иш ташлаши натижасида кун давом этмоқда. Қасаба соҳаларининг маълумотларига қараганда, шу ҳафтаининг бошларидан буён мамлакат шахталаридаги 70 миң ходимдан 80 проценти иш ташлашга чиқмади. 30 миңта яқин банк хизматчилари ва тиббиёт ходимлари ҳам иш ташладилар.

● НЬУ-ЙОРК. Нью-Йоркдаги хусусий касалхоналарда хизмат қилгандаги 40 миңдан ортиқ киши уч кунлик иш ташлашдан сўнг жузма кунини шифа қилди. Меҳнатқиллар стачка давомиде шифохоналарнинг агарларидан АҚШдаги ана шу энг катта шаҳар турмушининг қимматлиги суратларига маъмурият равишида иш ҳақини оширишни талаб қилдилар. Медицина ходимларининг иш ташлаши оғоҳлатириш тусида бўлди. Медицина ходимлари қасаба соҳалари раҳбарларининг стачка тугатилган сўнг айтаган гапларига қараганда, иш ташлашнинг миқдори хўжайинларнинг меҳнатқиллар талабини янада ортиқра қилишни тўхтатиш керак. Иш ташлаш давомиде 51 та касалхона қаровисиз қолди.

● ГВАТЕМАЛА маориф ходимларининг 11 кунлик иш ташлаши ўқитувчилар ўртага қўйган бир қанча талаблар қондирилганидан кейин тугади. Ассосийетед Пресс агентлиги хузуридаги маълумотларга асосан Гватемаладан хабар қилишча маориф ходимлари отпусқага чиққан пайтларида уларга берилмаган тўловлар оширилди, иш ташлаш давомиде индан бўшатиш ҳам қасблари ўз мойларига тикланади. Бироқ, иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талаблар қондирилмади.

## Шартнома асосида

● ТРАКТОРЛАРНИНГ эҳтиёт қисмлари ортланган автомашина агрегат заводи дарвозасидан чиқиб, Тошкент районидagi Илчи номи колхозга қараб йўл олди. Ўзиданракли тракторларнинг олд ва орқа кўтарма қисмлари, шунингдек бошқа деталлар колхозчилар илтимосига қўра хўжаликка юборилди.

Ишчилар билан колхозчилар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ хўжаликнинг иссиқхонасида иситиш қурilmалари бунёд этилади. Завод мутахассислари бу юмушни бажаришни ўз зиммасига олишди.

Айни пайтда колхоз далаларида пишиб етилган сархил сабзот маҳсулотлари завод дўноғига етказиб берилди. Ноз-неъмат ортланган машина ҳар кунини келиб турибди.

С. ШАМСИЕВ.

## Салмоқли ютуқлар

● «ЎЗРЕМШИНА» ишлаб чиқариш бирлашмасининг шахридаги 9-шина ремонт заводи коллективнинг йил бошидан бери буюртмачиларга етказиб берган маҳсулотлари 80 миң донадан ошди. Маҳсулотнинг 5,1 миңдан ортигини коллектив планга қўшимча тайёрлади.

Коллективда тежамкорлик ҳаракатини кенг қўлоқ ёйдиришда илгор рационализаторлар К. Машрапов, Д. Гриблай, А. Қим, Р. Қосимов қўшимча намуна бўлишди. Уларнинг беш йилликнинг сўнги йилларида ишлаб чиқаришга киритган тақлифлари асосида корхона 83,4 миң сўм маблағни тежаб қолди.

Айни кунларда заводда 20 хилга яқин шина ремонт қилинмоқда. Булар орасида кўп кўтармадан «МАЗ» автомашинасида тортиб «Запорожец» энгил автомашинасининг шинасига бора.

Д. ОБЛАЕВ.

## Био қурилиши бошланди

● «МАРКАЗ-13» кварталда 328 квартиралар 9 қаватли турар жой биноси қурилиши бошланди.

Бунёдкорлик ишларини 2-ўйсозлик қўбинатига қарашли 60-қурилиш бошқармасининг Ю. Лим етакчилиги қилган комплекс бригада аъзолари олиб боришмоқда.

Коллективда 16 бинокор бўлиб, ҳаммаси бир неча турдош қасбларни ўзлаштириб олишган.

— Кўп насоблик бизга қўл келгичи, — дейди Юра Лим. — Бригада аъзолари иш ташлаб ўтиришмайди. Шунинг учун ҳам дастлабни кўндан оқ меҳнат умумдорлигини олиб, ишимиз тез кўзга кўринди. Бинокорлар шу йилнинг 4-кварталида бионинг дастлабни қисмини фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

Д. МУРОДОВ.

## Тежамкор дурадгор

● ЕШ ИНГИТ Сераф Рустамов узун тахтаани арралаб мўлжалланган жойга қўйган эди, кесилган тахта уч-тўрт сантиметр қалта келди. Бундан зиндан кузатиб турган устоз ўз шоғирди ёнига келиб унинг ишда йўл қўйган хатоларини ёнига билан аста-секин тушунтирди. У «Етти ўлаб, бир кес» деган нафлинги бекорга айтилмаганини уқтирди. Ҳа, 159-трест 9-қурилиш бошқармасида дурадгор бўлиб иш бошлаганидан 30 йилдан ошган ветеран, моҳир бинокор, тахтадан гул исбидан Эргаш ака Латиповни ҳамма хурмат қилади.

У иш фаолиятини тамаки фабрикасида ишчи бўлиб бошлади-ю, ниматгадир бу ишдан қўнгили тўлмади. Сўнгра бинокорликка илос қўйди. Ўтган 30 йил ичиде дурадгорлик қасбининг моҳир устаси бўлиб олди. Ўтган йилларда оғлаб катта-кичи бинокор, қатор мақтаб, боғча-ақсилар қурилишида Эргаш аканинг қалб кўри бор.

Унинг бригадасида ҳар йили 20 кўб метр тахта тежаб қолинмоқда. Ветон қўйиш учун тайёрланган тахта мосламалардан 3 мартаба фойдаланиш мумкин. Эргаш аканинг тадбиркорлиги ва тежамкорлиги тўғрисида тахталардан 8—9 марта қайта-қайта фойдаланиб, сўнгра ташлаб юборилди.

— Биз дурадгорлигининг бутун сирларини устозимиздан ўрганиб олдим, — дейиши шоғирларидан Карим Қудусов ва Сераф Рустамов. Ҳа, устознинг ўлаб шоғирларини бор.

Унинг узок йиллик ҳалол меҳнатлари «Уста бинокор» нишонини, қатор медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ўрдақлари, трест ва бошқарма мукофотлари билан тақдирланган.

Уста дурадгор шу кунларда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси учун қўйилган хўнар-техника билан юрти босида ишлашган.

Устанинг беш фарзанди бор. Улар ҳам ишчи ота индан бормоқдалар. Фарҳод шофер, Дилшод пойфазал фабрикасида ишлашган. Уч қизлари ҳам ҳалол касб агалари. Ҳа, бу оилда меҳнат эъозланади, меҳнат эса уларни эъозлайди!

С. СУЛТОНОВ.

## Янги деталлар

● АГРЕГАТ заводининг тўла автоматлашган, рақамли программа билан бошқариладиган участкаси эндиликда алоҳида бўлиб қилинди. Еш мутахассис Ш. Ўлдошев бошчилик қилган бу бўлимга икки участка биритилди.

Бир сменада 3 киши ишлайди, ҳолос. Мутахассислар янги-янги деталлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришди. Яқинда редукторларнинг корпусларини тайёрлаш бошланди. Қиллоқ хўжалиги машиналарида қўлланиладиган бу деталлар илгари заводда ишлаб чиқаришмас эди. Ил охиригача яна иккита янги деталь тайёрлаб, конвейерга қўйилган.

С. ШАМСИДИНОВ.

## Ишчиларга ёқимли совға

Тошкентдаги «Средазэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ётоқхоналаридан биридаги ишчилар биринчи бўлиб ёқимли совға оладилар. Бирлашманинг илмий-тадқиқот маркази Златоустдаги машина-созлик заводи билан ҳамкорликда программа билан бошқариладиган рўзгор электр плиталарини ишлаб чиқаришга киришди. Тўртта конфорка баб-баравар 8 киловат қўвчилари билан ишлайди. Яқин беш йил ичиде плиталарнинг биргаликда ишлаб чиқаришини йилга 250 миңтага етказиш мўлжалланмоқда, деб хабар беради ЎЗТАГ мухбири.



## Барчага манзур буюмлар

Модельер-конструкторлари куч-гайратининг самарасидир. Улар томонидан 88 хил янги модель яратилди. Бирлашманинг йил бошидан бери қилиб 22 миллион сўмлик харидорлар маҳсулот ишлаб чиқарган бошқа ишчилари ҳам яхшигина меҳнат қилишди.

Болалар кийим-кечақлари асосан ил-газлама трикотаж матолардан тикилади. Бу либослар кичиктойларга манзур бўлиши, қўлни қувватлиши учун ҳар бир либосга алоҳида муҳр ва расмлардан кеи қўлланила бошланди. «Болалар дўнеси» магазинларида уларни дарҳол сотиб олишди.

«Малика» бирлашмасида ишлаб чиқарилган болалар кийим-кечақларининг ҳаммаси республикасида сотилди. Агар Ўзбекистонда туғилиш даражаси юқори эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ҳам талабини ҳақиқатга қондирмайди. Бирлашма маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириши мумкин. Аммо мувофиқ хом ашё ажратилмайпти.

СУРАТЛАРДА: навбатдаги янги модель муҳонама қилинапти; тикувчи, юқори малакали уста Машҳура Мақсудова. У ҳар бир кийимни худди ўз фарзандига тикиётгандек меҳр билан тикиди. Машҳуранинг олти нафар фарзанди бор. Икки қизи — Азиза билан Нодира ҳам «Малика» бирлашмасида ишлашди; норма-ловчи инженер Мактуба Зокирова электрон техника ёрдамида ҳар бир трикотаж буюмга сарфлангандаги хом ашё нормасини аниқлашди.

В. Ковренн суратлари (ЎЗТАГ).

## Ўқув йили таратдуи

## ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Киров районидagi мактаблари ўрнатилмапти. Фан кабинетлари техника воситалари билан тўлиқ жиҳозланди.

Бу йил райондаги 58, 83, 219-мактаблар капитал ремонт қилинмоқда. 38 та мактабда эсе жорий ремонт тугатилди. Синфларни янги ўқув йилга кетди. Қувончли шундаки, барча биллик даргоҳларига электрон ҳисоблаш машиналари ўрнатилмапти. Фан кабинетлари техника воситалари билан тўлиқ жиҳозланди.

Бу йил райондаги 58, 83, 219-мактаблар капитал ремонт қилинмоқда. 38 та мактабда эсе жорий ремонт тугатилди. Синфларни янги ўқув йилга кетди. Қувончли шундаки, барча биллик даргоҳларига электрон ҳисоблаш машиналари ўрнатилмапти. Фан кабинетлари техника воситалари билан тўлиқ жиҳозланди.

Бирлашиб бўяш, оқлаш ва дурадгорлик ишларида яқинда ердан беришиди. Масалан, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллик номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 21, 51, 80-мактабларни тикув машиналари билан таъминламоқда. Тамаки фабрикаси эсе 9-мактабга 16 миң сўм маблағ ўтказди. «Ўзбексельмаш» ишлаб

Оталик ташкилотлари яқинда ердан беришетиганини таъкидлаш зорур. Масалан, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллик номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 21, 51, 80-мактабларни тикув машиналари билан таъминламоқда. Тамаки фабрикаси эсе 9-мактабга 16 миң сўм маблағ ўтказди. «Ўзбексельмаш» ишлаб

чиқариш бирлашмаси 88-мактабга ишлаб чиқариш цехи қуриб берди. Ўшлар бу ерда бирлашма учун керакли касб танлаш имкониятига эга бўлдилар.

Шу кунларда педагогик коллективлар синф ва кабинетлари зарур кўргазмалар қуроллар билан жиҳозлашга киришди.

С. САЪДУЛЛАЕВ.

## Дўстлигимиз абадий

18 август кунини «Ўзбек-хлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида Афғонистон Республикасининг миллий байрами — мустақиллик қайта тикланган кун санаси муносабати билан бирдамлик митинги бўлиб ўтди.

Сўзга чиққан кишилар афғон халқи ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашда машаққатли йўлни босиб ўтганлигини айтдилар. Совет Иттифоқи оғир синов йилларида қўшни давлатта қардошлик ёрдамида бериб келди ва ёрдам бермоқда. Бу олижаноб ишга Ўзбекистон ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ҳозирги пайтда жафокаш афғон дўрида ҳамон қон тўкилмоқда. Муайян империалистик доиралар миллий адоватни авж олдириб, афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишга тўсқинлик қилмоқдалар. Аммо ўзининг мустақил ривожланиш йўлини ташлаб олган халқини бу қўнб бўлмади.

Митинг иштирокчилари мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланиб ва ривожланиб бораверади, деб ишонч билдирдилар.

Митингда Афғонистон Республикасининг Тошкентдаги нош консули Ф. Ҳ. Ҳамгар бунд сўзлади.

(ЎЗТАГ).

## Совет-япон экспедицияси

Жануби-шарқий Осиёдан Европанига қадар қўзилган қадамга Ипак йўли ўз бағрида афсоналар ва жумбоқларни яширган. Уни ўрганиш программасига кўшма совет-япон археология экспедицияси ҳам киритилган.

18 август кунини республика Фанлар академияси Санъатшунослик институти ҳамда Токиодаги Соко университети тадқиқотчилари группаси Тошкентдан жўнаб кетишди. Улар Сурхондарё областининг Даварзентга деган ерига боришди.

— Бу ер етарли даражада чуқур ўрганилган, — деди экспедиция жўнаб кетиши олдида унинг совет қатнашчиси Эдуард Ртвеладзе. — Лекин япониялик ҳамкасбларимизни қизиқарили бир факт ўзига жалб этди. Бу ерде Қўшун давлатининг ўзига хос машҳур маданияти Шахристонда солинди олиқлари буддаизм пайдо бўлиши манбаларидан шаҳодат берувчи далилларни топганлар. Бундан ташқари, япониялик ҳамкасбларимиз Ўрта Осиёда истиқомат қилётган халқлар этнографияси билан ҳам қизиқмоқдалар.

Шарқдаги қўшнимиз ва ўзбек олиқлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома олти йилга мўлжалланган. Унда Японияда ҳам худди шунларини биргаликда олиб бориш назарда тутилган. Археологиянинг келаси йили кўш мамлакатни тарихий жумбоқларини ечишда қатнашадилар.

(ЎЗТАГ).

## Миш-мишлар ва ҳақиқат

## Соқчиларга ҳужум қилинди

14 август, душанба кунини редакция телефонлари тинини билмай жингиллаб бошлади. Газетхонлар кетма-кет: «Тошкентда қанчама кунини қандай воқеа рўй берди?» деб сўрашарди.

\*Афсуски, улар норози бўлишига қарамай, биз аниқ-ўнда жавоб беролмасдик. Сабаби, муҳбиримиз тегишли идораларга нима воқеа рўй берганини тушунириб беришни сўраб мурожаат қилганига қарамай, жавоб ололгани йўқ. Айрим идоралар халқ ҳам оқораликка кўникишмаган кўринади.

Нихоят, 18 август кунини, оғир жиноят содир этилганидан беш кун ўтганидан кейингина Туркистон ҳарбий округи ҳарбий прокуратурасидан газетамизга эъло қилиш учун ахборот олинди.

Шу йил 13 августга ўтар кечаси ҳарбий қисм соқчиларнинг постига ҳужум қилинганлиги, Қалашников системасидаги икки автомат ва уларнинг ўқ-дорилари ўғирланганлиги, Эслатиб ўтганимиз, агар ушбу ахборот ўша кун эрталаб берилганида уни 14 август кунунг эъло қилиш мумкин эди.

Ҳарбий прокуратура Тошкент шаҳрининг барча аҳолисига мурожаат этиб, жиноятчиларни қўлга туширишга ёрдам беришни мумкин бўлган ҳамма нарсаларини хабар қилишни сўради. Сабаби, ўқ отиш қуролдан ҳар дақиқада жиний максдадорлар фойдаланилиши мумкин.

Маълумотлар 56-32-40, 56-15-42, 56-40-48 телефонларига қўйилган.

Ҳарбий прокуратура Тошкент шаҳрининг барча аҳолисига мурожаат этиб, жиноятчиларни қўлга туширишга ёрдам беришни мумкин бўлган ҳамма нарсаларини хабар қилишни сўради. Сабаби, ўқ отиш қуролдан ҳар дақиқада жиний максдадорлар фойдаланилиши мумкин.

Маълумотлар 56-32-40, 56-15-42, 56-40-48 телефонларига қўйилган.

Воқеа юзасидан жиний иш қўзғатилган. Бу ишнинг ҳарбий прокуратура олиб борапти. Тергов ишларини олиб бориш учун махсус оператив-тергов группаси ташкил этилган. Мазкур группани ҳарбий прокуратура ходимлари билан бир қаторда милиция, территориал прокуратураларнинг ходимлари кирган.

## ЎН ХОН ИЧИДА

● ТОКИО. Хиросима университети хузуридаги ядро медицинаси ва биология илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари рақ касаллигини пайдо бўлиш механизмининг аниқлаш йўлида яна бир муҳим қадам қўйдилар. Олимлар сичқон организмидан уларнинг фикрича, рақ касаллигини келтириб чиқаришда муҳим роль ўйнаётган ген компонентларини ақрибати олишга муваффақ бўлдилар.

# ШАНБА ОҚШОНИДА

Жасоратнома

## Саркарда Жуковни кўрган

● ТОНГ ёришишига ҳали бор. Теварак-атроф туман билан қопланган. Нам ҳаво, эсаётган сархуш изғирин оқопларда пахталикларга ўраниб олган солдатларни жузжиктиради, уйқуга элтади.

— Салом жангчилар! Солдатлар хушёр тортиб, ўринларидан ғоз турганча қийлашиб келаятган ҳарбийларга ҳаёт беришади. — Хизматлар қандай ўтапти, азаматлар? Кайфиятлар яхшими? — Раҳмат, ўртоқ генерал-майор, ўзингизга соғлиқ тилаймиз!

Бу пайтда Ватанимизнинг иккинчи юраги — Ленинград душман исқанжасида эди. Фашистлар шаҳарни эгаллаш учун қўшма қучлар ташларди. Ўзбекистондан борган йигитларнинг кўпчилиги немислар қўлида бўлган Пушкин шаҳрига чегарадош Копинга сафарбар этилдилар. Аҳвол оғир, ўқ-дори, озиқ-овқатлар етишмасди. Бунинг устига радионарнайлар орқали фашистлар томонидан турун кун олиб борилаётган ташвиқот таъсирга берилмаслик учун қўлоқларни нар, иродани мустаҳкам қилишдан ўзга чора йўқ эди.

— Немислар томонга ўтмаймизми? — деб қолди бир кунни ҳамқишлоқлардан бири тунда истеҳком учун жой ҳозирлаётган йигитларнинг олдига келиб.

— Иссиқ уй, овқатни деб виждонимизни сотамизми, — деди Даврон унинг қўрқув тўла кўзларига ғазаб билан тикилиб, — Агар немис зўр бўлса бизни енгиб кўрсин.

— Барибир очликдан қирилиб кетамиз. Бир кунга 120 грамм нон нима бўлади. Сен нима дейсан, Абдувоид!

— Онам, укаларим, сингилларимни душманга хор қилдириб қўядиган қўрқоқлардан эмасман, — деди Абдувоид Абдурахмонов кескин оҳанга. — Сен ҳам ҳеч қаерга бормайсан, газандаларни биргалишиб қирамиз.

У индамадаги йигитлар розилик аломати деб ўйлаб тарқалишди. Аммо эрталаб хабар олишса ўрнига милтиқ ва противогазни қолдириб, ўзи ғойиб бўлибди. Дарҳол командирга хабар беришди.

— Ҳанда бўлиб ўтган гапни ўз вақтида айтмаганим учун 5 сутка қамоққа ҳужм қилинганман, — деди Даврон ана суҳбатни давом эттириб, — Бир томондан тўғри қилишган экан, кўзим очилди. Қўрқоқларга нисбатан айвасиз бўлганимиз туфайли ўзимиздан кучли душманни енгдик, деб ўйлайман. Телевизорда уруш ҳақида кино берилса дўзахдан қолшимайдиган жанг майдонларига қислайман. Аслида ленталардан андан дахшатли ва қўрқинчлироқ эди. Наяза ўқталиб келаятган душманга юзма-юз бориш учун шерюраклар олдинги сафга ўтарди.

Даврон ака қўллаб шаҳарлар, шунингдек, Украина, Польша ерларини фашистлардан тосалаб, Берлингача борди. Урушдан галаба билан қайтганда унинг кўксини жангвора Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз, Шўҳрат орденлари ва қўллаб медаллар бегаз турарди. У туғилиб ўсган қишлоғига қадам қўйиши билан отасини суриштирди. Афуски, Маматқул ака 1943 йилда урушга кетгандан бери бирорта хат эмабди, ҳанузгача бедарак экан. Уни кўп излашди, ҳатто Москвадаги марказий архивга ҳам хат ёзишди. Лекин ғойадаси бўлмади.

Даврон ака Маматқул кўп йиллар Бўка район ички ишлар бўлимида терговчи, кейинчалик агроном, темир-бетон заводида цех бошлиғи бўлиб меҳнат қилди. Унинг онласи 1957 йилдан пойтахтимизнинг Октябрь районидаги «Обод» маҳалласида

Олими шунга найчадаги ранг-баранг устуни хроматография (грекча хромос — ранг ва графо — ёзмақ демакдир) деб, бу устунининг ҳосил қилиниши эса хроматография усули деб атади.

Хозирги вақтда машҳур бўлган хроматография усули 1903 йилда кашф этилган эди.

Цвет кашфиётидан кейин жаҳон олимлари хроматография устида тадқиқотларни давом эттирдилар. Бу изланшлар самараси туфайли унинг турли усуллари яратилди. Жейсмелар 1952 йилда янги усулни топишди. Уларнинг бу кашфиёти Нобель мукофотига сазовор бўлди.

«Биз «атом» сўзига шу қадар кўнгиб кетганмики, уни аслида нотўғри маънода ишлатаётганлигимиз ҳаёлимизга ҳам келмайти. Ҳа, у зукко олим Демокрит модданинг энг кичик зарраларига юнча «атомо»/атомлар/ деб ном қўйганда, бу зарралар модданинг энг кичик бўлиги, уларни бўлиш мумкин эмас, деб ҳисоблаган эди.

Зеро, «атом» сўзининг дуғавий маъноси «бўлимас» демакдир. Тўпловчи: Акбар АЛИЕВ.

СУРАТДА: Д. Маматқуллов неваралари билан. X. Мирзақаримов сурати.



қандай қийинчиликларни кўрмади, дейсиз... 135-Қизил Байроқли Краков ўчи дивизиясининг командири, генерал-майор Ромашко суҳбатда ҳам бир неча марта бўлганман. 5 киши иккита «ти» туби келтираётганимизда мина портлаб, уларнинг бири жон берганда командирдан танбех олтанимиз ёдимдан чиқмади. Галабага сановли кўнлар қолганда чап курагимга сарвад парчаси тегиб қаттиқ яраландим... Фронт хотираларини гапирарсангиз ҳеч тугамайди.

Фашистлар хоинона тупроғимизга босиб турганда, Даврон биринчилардан бўлиб Ватан ҳимоясига отланди. У Бўка районидаги Қуйбишев номи колхоздан тенгдошлари Ходилкул Абдуллаев, Ғани Усаров, Ўринбой Умеров, Абдувоид Абдурахмонов ва Яҳё Маъмуровлар билан фронтга кетди. Саратов шаҳрида 4 ойлик курсда таълим олишга, у ва Яҳёга «Максим» пулемети беришди.

## Тармоқ эҳтиёжи учун

«Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бугунги кунда хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини молиявий жиҳатдан таъминлаш шартинда меҳнат қилапти. Мазкур бирлашманинг Ильяк номидаги таъриба-механика заво-

дадаги темирчилик-қузов ҳамда слесарлик-йиғув ишлаб чиқаришининг Абдухалиқ Ғаниев, Сергей Загорин, Анатолий Суддин етакчилиги қилаётган бригадалари самарали натижаларни қўлга киритмоқдалар. Улар буюртма-

чилар билан тузилган шартномага кўра фақат аъло сифатли маҳсулот топишига эришяптилар. Бугунги кунда бирлашманинг бир гуруҳ мутахассислари Қозондаги «Оргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашма-


## Қишлоқ аҳли— тошкентликларга Қовун сайли

«Қовун сайлига марҳамат!» — пойтахтимизнинг Держинский номида майдон ва Карл Маркс кўчаси ораллидаги хибонда ташкил этилган ярмарка ҳамшаҳарларимизни ана шундай меҳмоннавозлик билан савдо рестаурага айланган хибон йўлларига чорлайди.

Ярмаркага қовун ва тарвузлардан ташқари шавтоли, узум, бошқа полиз маҳсулотлари келтирилган. Биргина Тошкент ва Сирдарё областларига ярмаркага 200 тоннадан зиёд полиз маҳсулотларини етказиб беришди. Уларнинг нархи ҳам қиммат эмас: қовуннинг бир килограмми 18 тийиндан 30 тийингача, тарвузнинг килограмми 15—20 тийиндан.

Худай шундай ярмаркалар пойтахтимизнинг бошқа районларида ҳам ишлай бошлади. Ярмаркаларга маҳсулотларини шаҳар районларига бериштириб қўйилган республикамиз областларининг хўжаликларини етказиб берди. Шаҳар агро-саноат бирлашмасидан маълум қилишларига қараганда, ярмаркалар 20 августга қадар ишлайди.

СУРАТЛАРДА: «Қовун сайлидан лавҳалар. Р. Шарипов суратлари.



## Қадимги ривоятлар

### Қайнона, келин ва ўғил афсонаси

КўНЛАРНИНГ бирида бири киши орау-ҳавас билан келин туширибди. Келин эри билан ўн йил турмуш кўрибди. У шу йиллар мобайнида на қайнонасини на қайнонасини бир оғиз гапирмай, тунг бўлиб юмушини қилиб юраверибди. Бундан қайнона билан келиннинг аччиғи келибди. Улар бошқа келин тушириш ҳаракатига тушишибди. Ўғлини ҳам қўндиришибди.

Янги келинни узатишиб келганлардан кимдир эшик тағида: «Тилсиз келин ичкари, тили келин ташқари» деяверибди. Бу гапларни эшитиб тур-

ган биринчи келин: «Келин келинга боқ, келмай туриб тилига боқ» дебди. Бунни эшитган ота-она иккинчи келинни ичкарига олиб крмайди, орқасига қайтарибди. Ва аввалги келинни қайтариб олиб келишибди. Эр-хотин му-род-мақсадларига етибдилар.

Шунда қайнона «Эскилар тил югурини бошга, қўл югурини ошга» деб бежиз айтишмаган экан дея хулоса чиқарган экан.

### Қўшининг ким?

КўНЛАРДАН бири кун Мавлоно Қутбиддин юлдузга қараб таъдирини айтиб бераман, деб мақтанган мунажжимдан сўрабди: — Қўшининг ким? — Билмадим,—дея жавоб қилибди мунажжим.

## Табиатнинг қизик табиати

### Сув нақшлаган ғорлар

СУВ она-сайёрамизнинг энг ажойиб минерали бўлиб, у Ер шарининг 70 фоизини эгаллаб ётади. Унинг умумий запаси 1454 миллион куб километри ташкил қилади. Лекин уларнинг 94 фоизи денгиз ва океанларда йиғилган бўлиб, таркибиде 36 грамм туз бўлган шўр сувлардир.

Хўш, сувнинг ўзи нима, унинг тузилиши нима, унинг иборати Кўп асрлар давомида сувнинг тузилиши ҳақида қизгин мунозаралар бўлиб турди, фақат XVIII асрга келибгина европалик физиклардан Г. Кавендиш, А. Лавуазье ва П. Лавелларнинг илмий ишлари туфайлигина сув икки хил элемент — водород ва кислороднинг бирикмаси эканлиги исботланди. Сув — молекуласининг ички тузилиши ҳам мураккаб бўлиб, иккита мусбат ва иккита манфий зарядларга эга. Сувнинг ана шу тузилиши туфайли ҳам у универсал эритувчидир, унга чўккан жисмларнинг юзасидан атом ва молекулаларининг боғлиқлиги 80 баробар суяяди. Айниқса, эрувчан тоғ жинслари бағрида бундай келган ва ажойиб ҳосилмалари бўлган мафтункор ер ости қасрлари эътиборга моликдир. Баъзи ғорлар эса бундан мустасно. Эртанлардаги сингари шохона саройини эслатувчи ер ости қасрларини тўғри уста дурдодлар, наққошлар фил суғчи ёки мармардан атайин йўниб тайёрлангандай. Ғорларде чиройли устуларни, равоқлари бўлган, хилма-хил ажойиб нақшлар билан безатилган улкан заллар, қориндан пастга ёйилиб турган тош пардалар, тош «қурсилар», тош илғулар ва мармарлардан бўлган кўп ҳовузларни туташтириб турувчи табиий тўғонлар ҳосил бўлган. Сув яратган ана шу ер остидаги мафтункор манзараларни бир кўрган кишининг қалбиде бир умр улар ҳақидаги сўнмас таассурот сақланиб қолади.

Ғорларнинг тузилиши тоғ пайдо бўлиш жа-равиларига кўра ҳар хил бўлади. Сувнинг карстланувчи тоғ жинсларини эритиши (коррозия), «арралаб», «қайраб», «ташиши» (эрозия) ҳамда бу жинсларнинг нураши (гравитация) туфайли тоқасимон, қопсимон, йўлаксимон, ариқсимон, қудуқсимон ва кўп қаватли ғорлар ҳосил бўлади. Ғордаги вазиатга, ҳосилма-ларга, сувли ёки сувсизлигига қараб коррозия, эрозия ва гравитациянинг у ёки бу ғордаги

остиде топтаб ташладинг-у, булак гунча муҳаббатни ихтиёр этдинг, билгинки бе-қарор муҳаббат умринг заволи бўлади. \* \* \* У кириб-чириб юрган уйини нопоплигини биларди, биларди-ю, лом-мим демасди. Сабаби: «Менга тинчлик керак», дерди у. Нобон қўриланг уй вақти келиб вайрон бўлади, шундай бўлди ҳам, энди у вайронлар ос-

## Шингил қатралар

— Ҳаёт баъзида қийнаб, висол йўлимизга тўсиқ тўшса, тасалли учун куй излайман. Бу куй ўзимга ва сенга — иккимизга тааллуқли бўлган куй. Кейин, юракларимиз шу куйни баравар яратиб, баравар таранум этаётганини сезаман-да, ўзимни бахтиёр сезаман. \* \* \*

Унинг қалбиде очилган муҳаббат гулини оёқларинг


— Агарки ўз қўшининг ким эканлигини билмасанг, юлдузлар номидан қандай гашира оласан? У лол қолибди.

## Йўқолган узук

КўНЛАРДАН бири кун подшонинг асил, қимматбаҳо узуги йўқолибди. Шунда юлдузга қараб айтиб берадиган мунажжимни чақириб сўрабди: — Бу узукни худо олган, — дебди мунажжим.

Бу гапни эшитган сарой аъволу кулиб юборибди. Подшо узукни қидириб топишни буюрибди. Узук но-дир китоб орасидан топилибди.

Филология фанлари номзода, фольклоршунос олим Сиддиқ АҚАҚОВ тайёрлаган.



фосилитини кузатиш туфайли ер ости бўшлиқларининг ҳосил бўлишини аниқлаш мумкин.

Сув — аниз неъмат, у гигиенеге ривож қилишмига, овқат тайёрлашмига, қушимизни қайта тиклашмига ёрдамчи. У оқвадларни оқизиб, далавларни сугорди, ионга, пахтага, узум ва सबзавотларга айлиб узук ўлкаларга сафар қилди. Широким булак сувлари эса, бизни ҳар қандай дори-дармондан яхши деволлади. Булак-чашма сувлари доимо янги-янгиланб туради. Тоғ бергига шимиллиб, турли гидрохимик зоналарде курувчилик санъатини намоён қилади, шулардан энг қизикарлиси ғорлардир.

Исмомил ОТАЖОНОВ, СССР География жамаиятининг ҳақирқилар ҳайъати аъзоси. СУРАТДА: пойтахт областининг Чотқол тоғида сув яратган ғорлардан бири. Муаллиф сурати.

— Одамларга ҳам ҳайронсан. Эллик тийинлик йўл юришса, ўшанча пул ташлаб кетишди. Ахир шулар «триклинки» деб юрмидику, деб би-инки сўм ҳам ташлаб кетишмайдими. Шу ҳам инсофданми?

— Сизларнинг бир сўмлик йўлга уч сўм сўрашингиз инсофданми бўлмас! — деб на-ри кетдим.

Яқинларда ҳам кишилар ко-оператив тақсилар кўчаде қўришганда «Оғриниш энгил бўлди», деб ўйлаганди. Ҳозирчи! Ҳозир йўловчиларнинг асарияти давлат тақсиде юришни афзал қўришяпти. Беш кўл баробар эмас, аба-бат. Мен барча тақси ҳайдовчи-ларини қораламоқчи эмасман. Одамнинг узогини яқин, ко-оператив тақси аъзолари ҳам йўқ эмас. Шунинг учун юқориде айтилган гаплар ўз эгасини то-пади деб ўйлайми.

Мирзаумар ХАЛИЛОВ.

## Ҳам куласиз, ҳам кўясиз

Шаҳримизнинг Бош универсал магазинида ишим тушиб боргандим. Харид қилиб бўлган, автобус бекатига шошилдим. Қўлимда оғир юклар бўлганлиги учун таксиде кетишни афзал кўрдим. Бунни қарангки, кооператив тақсиларнинг биронтиси мен яшайдиган Олой бозори томон юрмас эмиш. Сабаби, оралик масофа яқин эмишу, пули озмиш. Орқароқ-да турган «Жигули — 2106» автомашинаси олдига келиб:

— Ака, Олой бозорига олиб бориб қўйинг, — дедим. Илтимосимга жавобан:

— Нега сўм берасан, — деган дегал сўзларини эшитдим.

— Бу ердан давлат машинаси бир сўму эллик тийин уради чоғи. Келинг, сизга икки сўм бера қоларман, — дедим ишим юришгандек сениб.

Ҳайдовчининг жавоби кўп-тигимдаги тарвузни туширди.

— Э, ман санга ёш боламан, икки сўмга ерсон бўлиб. Уч сўм берсанг олиб бориб қўяман.

Бундай гап-сўзлар фақат Бош универсал магазини ол-

## «НЕЧА СЎМ БЕРАСАН?»

дада бўлиб турса керак деб ўйларсиз. Йўқ, ундай эмас экан. Шу кун Олой бозоридан чиқиб автобус бекати яқинидаги тақсилар тўхтайдиган жойга келиб турган эдим, бир неча дақиқалардан сўнг, пешонасига шахмат тақсисига ўхшаш тамгаларини қўйиб олган кооператив тақсилар келиб тўхтади. Н 63-49 ТН «Жигули — 2106» ҳайдовчиси олдига келиб:

— Ака, Инқилоб хибонига-ча олиб бориб қўйинг, — дедим.

— Уч сўм бўлади-де, — деган жавобини эшитдим.

Ҳайратдан ёқа ушлаб, пиёда кетишга мажбур бўлдим.

Яқинда метронинг Собир Раҳимов станцияси олдидан Тошкент отчопари томон боришга тўғри келди. У ерда ҳам Бош универсал магазини олдидеги тақсилар келиб тўхтади. Қайсиниси ғорманг? У ёққа бормайман, «У ердан кимни олиб қайтаман», «Фалон сўм берсанг олиб бораман» деган жавобларини эшитдим. Мен ҳам дўстим билан аввал бу, кейин у ҳайдовчига илтимос қилдик. Лекин иложи бўлмади. Қайсиниси ғорманг? «Неча пул берасиз!» деб кўзингизга қарайди. Бош универсал магазини олдидеги ортиртган тақсирим туфайли «Уч сўм бераман» десам ҳам рози бўлишмади. Ваҳоланки, биз борадиган жойга давлат тақсиси бор-йўғи 1 сўм 78 тийин олар экан.

«Мажи кооперативга қарашли А 35-34 ТН, «Автозапчасть» кооператив қарамонидеги 30-40 ТШН, пешонасига «Такси» деб ёзилган 14-33 ТНС ва бошқа автомашина ҳайдовчиларининг муомаласидан ху-нобимиз ошиб «Тошкент» автовокзалига олдига ўтдик. У ерда ҳам шу аҳвол. Ҳаттоки, таксомотор паркларига қароши давлат тасаруфидеги тақсилар ҳам кичирок масофага борадиган, ўз нархини берадиган йўловчиларни олгилари йўқ. Уларнинг ҳаммаси қўллариде машина калитини ўйна-тиб, йўловчи излашпти. Бизга ўхшаш оз «наҳкли»лар эса уларнинг олдига яқинлашмасе ҳам бўлаверди. «Чимкентге ким бор!», «Қаршига кетишге одам борми?», «Ангренага кетайман» деган ҳайқирқилар эшитилар, машиналар поёғига тайёр турган отларни эслатарди.

Автовокзалда бир такси ҳайдовчиси билан суҳбатлашиб қолдим:

— Одамларга ҳам ҳайронсан. Эллик тийинлик йўл юришса, ўшанча пул ташлаб кетишди. Ахир шулар «триклинки» деб юрмидику, деб би-инки сўм ҳам ташлаб кетишмайдими. Шу ҳам инсофданми?

— Сизларнинг бир сўмлик йўлга уч сўм сўрашингиз инсофданми бўлмас! — деб на-ри кетдим.

Яқинларда ҳам кишилар ко-оператив тақсилар кўчаде қўришганда «Оғриниш энгил бўлди», деб ўйлаганди. Ҳозирчи! Ҳозир йўловчиларнинг асарияти давлат тақсиде юришни афзал қўришяпти. Беш кўл баробар эмас, аба-бат. Мен барча тақси ҳайдовчи-ларини қораламоқчи эмасман. Одамнинг узогини яқин, ко-оператив тақси аъзолари ҳам йўқ эмас. Шунинг учун юқориде айтилган гаплар ўз эгасини то-пади деб ўйлайми.

Мирзаумар ХАЛИЛОВ.

Михайл САВЕЛЬЕВ.

Дийод ЖАЛОЛОВ.


Турмуш чорраҳаларида

ИНСОН табиати ҳақидаги туйғулар, меъна ҳаёт таассуротлари орасида анчадан буюн гоҳ кўнглимдан гоҳ кўнмадан ўтиб турар, бу мени бевозта қилар эди. Бу туйғулар охири қаламнинг маҳкам ушлаб уни мавзуга бўлишга мажбур қилди. Кўрган-кечирганларини эсламан.

турди-ю, супургини олиб тўкилган кишимиз ва пиёла синиқларини сулура кетди. Орамиздан бири чойнак кўтариб келатган қизга деди: — Ҳай қизим, сен супуриб олсанг-чи, қара, уканг йиқилгани бир бўлиб, устига-устак яна ўзи супурилти.

лак, қозон қопқоқ, ит чайнаб ташлаган суюқлар, итлоқ ва шунга ўхшаш адаланмалар этибди. Уй эгаси, дўстимиз бизни ўтказишга жой тополмай қолди. Бу ҳовлида ҳам сўри-қаравот бор. Лекин унда бошқа нарсалар турибди. Бир четда тоғорада кир, бир четда қовун пўчоқ ёйилиб, уни пашша талаб этибди.

рак эди. Чунки ҳаётда ҳаминша яхшилик ёмонлиқни енгиши зарур. Инсон ўзидagi барча яхши фазилатларни қаттиқ турб мудофаа қилиши, уни ёмонликка енг қилиб қўймаслиги керак. Бу — ҳаёт талаби! Наҳот киши ўзи ўлтирадиган ерининг озодлигини бировдан кутса.



Остонанинги тоза тум!

— Ҳа, шунча. Шундай шарт қўйганмиз. Шунинг учун даласти билан меъна иш йўқ. Биз уйда ишсиз бўлиб қолганмиз, — деб кулди она.

чи эди, қараса бу ер ҳам бесаранжом. Уй бетаси бизни кўрди-ю, уйдан чиқмади. Биз, дўстимиз хиҷолат чекина кўй қолдик, деб ўтирмадан чиқиб кета қолдик.

Халқимизда: «Уйим ифлос бўлмасин десанг, остонангни тоза тут» деган наф бора. Бу ҳикмат инсоний табиатдан келиб чиқиб айтилган. Нафақат уйни, кўча-кўчаларини ҳам озода тутушимиз керак. Мен бир дўкондан нарсани харид қилмоқчи бўлиб сотувчига мурожаат қилган эдим, у «ҳозир» деди-да, дўкон олдида тушган қозғон парчаларини супуриб-тозалалаб келиб, кейин савдо қилди. Унинг бир кўзи харидорда бўлса, бир кўзи атрофининг тозаллигида эди, дўкондор бу ишни ўз табиати амри билан қилдики, ё топириққа биноан қилдики, ҳар ҳолда инсон табиатиға хос иш эди.

Бизни кўриб уйдан дўстимиз ва унинг оиласи худди куш боласига таптингандай ишопилиб чиқиб келишди-да, илтифот билан ўтиришга таклиф қилишди.

Бу хонадон табиати, тартиби ва тарбияси бизни ҳайратлантирди. Кўнглимиз аниқдан сўнг биз дўстимизни олиб борадиган жойимизга кетмоқчи бўлдик. Биз билан ўлтирган, шу ҳовлига қўшни дўстимиз ҳам ўз уйига бир пиёла чойга таклиф қилди. Кирди. Кирди-гу, кирганимизга пушаймон қилдик, таъбимиз хира бўлди.

Мана инки хил ҳаёт, инки хил манзара. Хўш, нима учун шундай, инки хил? Бу саволга қисқа қилиб шундай жавоб бериш мумкин. Бу — инсоний табиатнинг инки феъл-аълоғидир. Бу хонадонда истиқомат қилаётган дўстимиз ўзи шунча беҳад, бефаросат, бетаъбиат кишимиз? Йўқ, асло! У ҳар томонлама муҳаммад инсон! У оиласидан ўз табиатиға мос шароитни талаб қила-қила қарачан. Бу ҳақиқат жаванжал эр-хотин ўртасида қўйди-чиқидиға бораган. Шу ерга етди андиша ўртага тушган-у, дўстимизнинг бу соҳадаги кураши мағлубиятга учраган. Шундай бўлиши керакмиди? Йўқ, албатта, дўстимиз бу курашда енгиши ке-

Маданият янгиликлари

РОК ЁШЛАРНИ РИМДА

Сентябрь ойида Польшанинг Катовице шаҳрида «Металлома» — 89-фестивали бўлади. Тошкентлик «Учқун» деб аталган рок-группаси ана шу фестивалда қатнашиш учун таклифнома олди. Коллектив тўқтинчиларга айтиш учун билди, лекин у қизларнинг музикали композициялари, ўз иккунда ушбу инқилибни туйғулган табиати, унинг репертуарида совет ва чет эл муаллифларининг асарлари бор. Инглизча ўқиб олиб асар яратишга ҳаракат қилишмоқда. Т. Соликов номли маданият уюмида бўлган концертларнинг бирида мажор коллектив Польша фестивали ташкилотчиларининг ўзгирганини ўзига тортди. Группани ана шу маданият уюмида иккунда иш билан шуғулланган. Тошкент музикачиларига — улар рок-группада етти кишилик ташкил этади — биргаликда пластинкага ёзиш, Силезиядаги жаа клубда концерт бериш таклиф этилди. «Учқун» ҳозир фестивалга тайёргарлик кўрмоқда.

Биргаликда «зангори экран» олдида

«Қайсиси манзур, нима ёқмайди?»

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўраб хурматли оқшомхонлардан илтимос қилган эдик. Шу ўтган икки ҳафта мобайнида республикамизнинг турли бурчақларидан кўлаб хатлар олдик. Улар орасида таъкид ҳам, яхши кўрсатувлар тайёрлаётган ижодкорларга миннатдорчилик сўзлари битилган мактублар ҳам бор.

«Хинд кинофильмларини намойиш этиш негадир кам планлаштирилди, — дейди иштихонлик М. Гузаров. — Кўп айтилган, бироқ телетомошабинларнинг бу талаби қондилмайди. Иккинчидан, баъзи пайтларда ҳафталик бадий фильм кўрсатилмайди. Бунда мен сот 22 дан кейинги вақтни назарда тутяман. Чунки қишлоқ аҳлининг асарияти унча дала ишлари билан банд бўлади. Гоҳида эса бир вақтда ҳам биринчи, ҳам иккинчи программада қизқарли кўрсатув берилди. Қай бирини кўришни билмай яна бошинг қотари.»

Ҳа, халқимиз ҳинд киноасариятини севади. Ҳатто айрим ленталарни қайта-қайта томоша қилсада, яна кўргимиз келавериди. Албатта, бутун билдирилган истакни эртасига дарҳол бажо келтиришини илоҳи йўқ. Ўйлашимиз, телевидение раҳбарлари 1990 йил планини тузишда буни ҳисобга олишди.

«Назаримда кейинги пайтларда оила, ёшлар тарбияси, ҳалоллик каби мавзударга бағишланган «Давра суҳбат» лари анча кўпайди, — дейди Тошкент об-ласт. Ўзбекистон Сўвдетиде яшовчи Т. Илҳомов. — Уларга қаршиллик йўқ. Аммо уларни кўпчилиги ота-оналар қўришмайди. «Дунёнинг ишлари», «Инсон саноқати» каби видеофильмлар намойиш этилса ёш ҳам, кекса ҳам қизиқиб қўлади. Қолаверса, улар тарбиявий аҳамиятга эга. Бундай асарларни такроран намойиш этишининг аниги йўқ деб ўйлашамиз.»

Энг одил ҳанам телетомошани. У ўзига ёққан кўрсатувни қабул қилади. Ёрмаганини эътибор ўтказолмайси. Бунинг қўйидаги хат мазмунидан ҳам аниқлаш мумкин:

«Сўнгги пайтларда ҳафталик программада эълон қилинган кўрсатувларнинг кўпчилиги намойиш этилмади. Ўрнига бутунлай бошқасини бошлаб юборишди, — деб ёзди Андижон вилояти Ленин шаҳрида яшовчи I-группа инвалиди Нўмонжон Обидов. — Ҳа, анди шунинг кетидан бирор тузуқ гап бўлар деб ўтиравемиз. Аммо кутганингиз бўлмайди. Шу билан Ўзбекистон телевидениесининг кўрсатувлари ниҳоятга етди.

Умид қиламизки, энди бундай ўзгарттиришлар кескин қамаяди.»

Шуниси қувончлики, телетомошабинлар истак ва таклифлар билан бирга, қайси кўрсатувлардан мамнун эканликларини ҳам айтишмоқда.

«Менга ўтган ҳафтада, — дея таассуротларини баён қилди Урганч шаҳар, Гафур Гулом кўчаси 7-уй, 5-қаватда яшовчи Мехрибон Раҳимов. — «Ештин» студиясининг «Мунасабат» шунингдек, «Ойла сирлари», «Малласот аёл» бадий фильмлари манзур бўлди. «Ҳам, шаҳарлар» ва «3-студия» тез-тез эфирга чиқиб турса.»

«Журналист Шавкат Азизов тайёрлаётган кўрсатувларни қизиқиб қўлади. Унинг келгуси режалари ҳақида оқшомхонларни хабардор этса мамнун бўлардик. Унга соғлиқ ва ижодий муваффақиятлар тилашамиз. — Қашқадарё вилояти Китоб райониде истиқомат қилувчи муаллим Уктам Муродов эса ўз миннатдорчилигини шундай изҳор этган.

Азиз оқшомхонлар! Аввалги «Қайсиси манзур, нима ёқмайди?» сарлавҳали мақоламизда бундан буюн телекўрсатувлар ҳақидаги фикрларинизни ўрганиш мақсадида бизга ёзиб юборишингизни сўраган эдик. Телевидение ходимлари ташаббусимизни илқ қабул қилишди, газетамизда ёритилган таклиф ва талаблар асосида ишларини планлаштириш ниятлари борлигини билдиришди. Бу ҳаммамиз учун фойдалидир.

Бир неча йилдири, тўшакка миҳлануб қолганман, — дейди редакциямизга кўнғор қилган янгиёшлик И. Азаматов. — Асосан телевизор билан овуланган, кундузги кўрсатувлар ҳам ярада қизқарли тайёрланса, Қолаверса, уйдагилар ишга кетишганда ёш болалар мен билан қолдишади. Мультифильм, кўнғорчилик каби қизқарли томошалар бўлса жон-жон деб қўришади. Илтимос, шуларни инобатга олсанглар.

Қўрида айтиб ўтганимиздек, бу таклифлар албатта инобатга олинади. Кўрсатувларнинг ранг-баранг, янада қизқарли тайёрланиши ўзимизга боғлиқ. Келгуси 1990 йилда яна нималар экранга чиқишини истайсиз? «Зангори экран» орқали кимлар билан учрашини хоҳлайсиз? Шу каби ўзингизни қизиқтирган мавзудар ҳақида ёзиб юборинг. Мактубларингизни кутамиз. Имкон топсангиз кўнғорчи қилинг. Эслатиб ўтамиз: телефонимиз номери 32-58-85.

Яхши найфит доим ҳамроҳингиз бўлсин. Раҳман БОБОМУҲАМЕДОВ.

Болалар боғи

Бектош сув ўтказмайдиган қозғондан ясалган кемачаларини паронинг тушмиғидеги ўриндиқка қатор тизиб қўйди. У бу кемачаларини дарёга қўйиб юбормоқчи. Шунинг учун ҳам бобоси билан паронга келган. Бектошнинг бобоси паронинг Пером йўловчиларини дарёнинг бу соҳилидан наени соҳилига олиб ўтдиган кемани, Фикат кема узоқ-узоқларга ташди. Кейин кеманинг тузиллиши ҳам бошқача бўлди. Устида хона-хоналари ҳам бўлди. Парон-чи, худди катта сулғана ўшаб кетди. Шу катта сулғана чиқиб олсанг, мазза, қандай қилиб дарёнинг нарини бетига ўтиб олганин билмай қолсан.

олади. Ҳозирча ўзи ясаган кемачаларни дарё сувини, Орлин кўрилади туради. Кейин ўзи ўқиб катта олим бўлади. Уша ўрларини толиб жазолайди. Эҳ бобоси шундай катта сулғана усталик билан бошқарса-ю, дарё сувини ўйрлаганларини тутта олмасай Уларни жазолай олмасай! Бектош дўнбоқ қўлчаларини илғига тираб ўриндиқда ўтирар экан, шулар ҳақида ўйлар-ди. У ҳар гал паронга чиқиб-ганларга ҳам, тўшавганларга ҳам синчиклаб қарарди. Лекин, буларнинг ҳар бири дарё сувини ўйрлаганларга ўхшамасди. Ҳаммаси дедасига, ойсига, бобосига, момосига ўхшайди. Бектош омонига ҳараб қўйди.

дардини қўшипти. Инглаётган дўмбира эмас, бобоси. Ҳа, бобосининг илғиги ўтган Орол кўриб бораётган бўлса, унинг беқувват кўллари бошқарган кемалар соҳида қириб ётган бўлса. Энди Орол катта кемаларни кўтаролмасе. Куй ана шулар ҳақида Инглаб сўйлаб Бектошнинг жажжи калбини камраб олган эди. Бектошнинг кемачаларини-чи! Наҳотки улар бобосининг қалбига қувони олиб кире олмасай! Ахир Бектош уларни Орлин, дарёни кўриқлаш учун ясади-ку.

Бектошнинг юлдузли кемачалари (Ҳикоя)

Бектошнинг бобоси паронинг шундай усталик билан бошқардики, бу катта сулғана қиғил этмайди. Сузатганини қирғоққа қараб билсан. Қирғоқдаги ўт-ўнлар, дархатлар аста узоқлаша бошлайди. Ававаллар Бектошнинг бобоси Оролда баллиқи кемани бошқарган экан. Унда Бектош чақалоқ экан. Шунинг учун бобоси уни баллиқи кемага олиб бораётган экан. Ахир, ўшанда Орол жуда катта денгиз экан-да. Баллиқчилар ойлаб денгизда баллиқ овлашар экан. Энди Орол жуда кичкина бўлиб қолган. Бобоси ҳайдаган кема Орол соҳилида қириб ётган эмиш. «Орол ўзи кичкина бўлиб қолган бўлса, бундай катта кемаларни қандай кўтарсини», ўйларди Бектош. Бобосининг айтишича, мана шу паром сузатган дарё ҳам Оролга қўйилар экан. Дарё суви ҳам камбайб кетипти. Момосининг айтишича, бу дарёнинг сувини ноинсоф қишлар ўйрлашган экан. Сувини қандай ўйрлашар экан-а, сатиллаб-ни ёки боқаларга солиб машиналарда олиб кетишарми-кан! Бобосидан сўрасимкин! Йўқ, бўлмайди. Бобосига Орол ҳақида гапирсанг дарров хафа бўлиб қолади. Уф тортаяди. Кўзини юмиб олади. Яхшиси сўрамайди. Бу йил мактабга чиқадик-ку, шунда ўқитувчисидан сўраб ҳаммасини билиб


Бобоси рул дастагини тутганича, узоқ-узоқларга ўйчан тикилиб боради. Майин шаббодда унинг оппоқ соҳилини тароқ-ларедек қилпиратарди. Оқшом тушган йўловчилар сийраклашди. Нариги қирғоқда йўловчилар кўриб қолди. Бундай пайтларда бобоси ўзи ўтирадиган ўриндиқ остига чакмонига ўраб яшириб қўйган дўмбирасини қўлга олди эди. Мана, ҳозир ҳам бобосининг бармоқлари дўмбирани торлари устида йўрғалай бошлади. Таниш куй таралди. Бу куй Орол ҳақида. Унинг қирғойи, бебаҳо бойлиқи ҳақида. Бу куй Бектошга жуда ёқадди. Бектош бобосига яқинроқ сурмади. Сувага тикилганча кўни тинглай бошладди.

— Ҳа, ҳа бўлганми, — деди бобоси жавобан набирасининг бошини силлаб. Бобоси сувада қалқиб-қалқиб бораётган Бектошнинг биринчи кемачасини кузатиб турди. Бирдан чекраси ёришиб кетди. У сафар халтасини титкилаб митти-митти шамчалар олди. Уларни янада кичрайтириб Бектош эсаб ўриндиқка қатор қилиб тизиб қўйган кемачаларга ўрнатди. Гугурт чиқиб, шамчаларини ёқди. Кемачаларни авайлаб бирин-кетин сув бетига қўйди. Кемачалар оқини бўйлаб сув бетиде Орол томон оқиб бораар экан. Бектошнинг кўзлари юлдуздек порлаб кетди. Бобосининг буйнидан кучоқлаб олди ва: — Энди дарё сувини ҳеч ким ўйрламайди. Кемачаларни кўриқлаб туради-а! — деди Бектош.

Дарё бети нозик куйдан таъсирлангандек мавжланди. Майда-майда тўлқинчалар сув бетини тўр пардадек қоплади. Аммо бирдан дўмбира ўқиб-ўқиб Инглагандек нола қилди. Куйнинг охири бундангиз эмас эди-ку! Бектош бобосига қаради. Шунда бобосининг кўзидан бир томчи ёш юмалаб соҳилига тушиб сингиб кетганини кўрди. У бобосини маҳкам кучоқлаб: «Ингламанг, бобоюно» деб юпатмоқчи бўлди. Аммо куй тўхтаб қолишдан қўрқди. Шунда Бектош англадики, гўзал Орол ҳақидаги бу куйга бобоси ўзининг юрағидеги

Тамилла ҚОСИМОВА.

Хелида МИРСАЛИМОВА.



ВЕЛОСИПЕДИ ЕКИ АВТОМОБИЛИ

Даниянинг Бернхольм оролдеги Рение шаҳри аҳолиси автомобиль нахбати велосипедлар афзал кўради. Аҳоли жон бошига велосипедлар ва велосипедлар сайр қилиш мулкларининг сонин бунча мазкур шаҳар ўтироғи этилган велосипедлар пойтахти Пекин билан бемалол рақобатлаша олади. СУРАТДА: Рение шаҳри кўчаларда велосипед қўлчалари шундай белгиланди. Ҳатто ҳаракат эти тизим пайтларда ҳам автомобиль ҳайдовчилари ана шу йўлга киришмайди. А. Гуревич сурати (ТАСС).

Корректор ён дафтарида

- Авторнинг ишқ китоби.
● Ювгич сотувчининг деди ичига тушди.
● Сигир сотувчи қизлар кунлик нормаларини ортиги билан адо этишди.
● Бу дунё — айтар дунё.
● Ишга тилангунинга қадар етти ой иссиқ юрдим.
● Тўра Сўраевич шахмат қадамлар билан хонадан чиқиб кетди.
● Сиз босмаҳонаде қишлаган экансиз-а!
● Чой соҳили сўлим-сўлим...
● Ошиқларнинг асосий пакиси — чон ёнда эди.
● Хуррихон Бейхтиёр улиб юборди.
● Гўшт бозориде қарининг нархи ошиб кетди.
● Мен имтиҳонга аёйрман!
● Бузоқнинг югургани омон-хонга.
● Хелида МИРСАЛИМОВА.

Келинг, бир кулишайлик

ОСОН ЖАВОБ
Бир ҳўранда оватнинг сифатсизлигиндан нолиб, бош ошпага шикоят қилиб сўради:
— Таомларингиз нега бунақа бемаза?
— Бу гапни таомларни емасдан олдин айтиш керак эди-да, бирорлар.
ЭРКА ҚИЗ
Турмушга чиқайтган қиз онасига эрқалини деди:
— Овийсон, ҳар кунинг кўрун бизнингга бориб тура-сиз.
— Ҳар кунинг кечкуруни нима қиламан, қизим?
— Кўнғорчиғизга овқат пишириб бериасиз.
«ХАРИДОРЛАР»
Комиссия аъзоларидан бири оморда яшириб қўйилган ноё молларни кўрсатиб, магазинидан сўради:
— Нера шунча ноё мол-

Мамлакатлар, одамлар, одатлар


якка-якка рақс тушадди. «Ламбада» эса жуфт бўлиб рақс тушишни қайта тинлайди, мулоқотини шу кўринишини қайтаредди», — дейди янги модани раҳнамолардан бири бўлимиш Оливье Лорсан.
АМЕРИКА ШАҲАРЛАРИ БУЯЛАБ
АҚШ. Американинг Жанубий Каролина штати йўллари бўйлаб савҳат қилувчиларнинг эътиборини одатдан ташқари бир иншоот албатта ўзига жалб этади. Бу иншоот шунчаки олдиде бир сув чиқарувчи қурилма бўлиб (суратда), у улкан шафтоли шаклида, ниҳоятда усталик билан шиланган. Бунинг ҳеч ажабланарли ери йўқ: чунки Жанубий Каролина ўзининг ажойиб шафтолилари билан бутун Америкага шуҳрат тортаган.
В. Поляковский сурати. (ТАСС).
МАРКА ЯИГУВЧИЛАР ГИМНИ
«Ниҳоят адолат тантана қилди. Энди бизнинг ҳам ўз гимнимиз бора, — деб мамнун бўлишмоқда бутун дунёдаги марка яиғувчилар. Бу чин ҳақиқатнинг ўзи, марка яиғувчилари бир-бирларини табриқлашлари мумкин. Одатдан ташқари музика асарининг муаллифи италиялик Аугусто Массасандро. Гимнининг номи эса «Йл канто де филателиста» деб аталади.
СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРТИБНИНГ ФОЙДАСИ
Соғлом турмуш тарзи нақадар катта наф келтиришини фин хотин-қизлари бутунини кунда ҳар қачонгидан яхшироқ тушунишди, деб ёзди ушбу суратни тарқатган Пресс-фото агентлиги. Агарда сиз ёшлик йилларингизда яхшигина чинқисангиз, ҳаётингизнинг

НАБОТ ОЛАМИДА

Сиз жаҳонда энг кичик дарватин умрингизда ҳеч кўрганимиз! Нант шаҳрида ўтган



АФП—ТАСС сурати.



«Мен дадамнинг ширин қизаюғиман». Р. Шарипов сурати.



Мухаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.



Мухаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Душанба, 21

16.00 Болалар учун фильмлар: «Беш кун ва бир оқшом», «Ма-лахит кутча».

20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 «Кўшрабод муаммолари».

ТОШКЕНТ ШАХРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

(М. Горький номи киностудия). ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 21.30 Москва. «Время».

21.30 «Время». Телевизион бадий фильм, 2-серия.

21.30 «Время». Телевизион бадий фильм, 2-серия.

серияли телевизион бадий фильм, 15-серия — «Юксак тулки».

18.35 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати.

Сешанба, 22

16.00 «Совет Иттифоқи бўйлаб». Кинопрограмма.

сатган артист Мансур Тошматов куйлайди.

ТОШКЕНТ ШАХРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

савдоси ҳақида. Ўзбекистон телевиденисининг Тошкент ша-ҳар БХСШ бошқармаси билан биргаликдаги рейдаи (рус.).

да телевизион ҳужжатли фильм, 12.40 «Бу бўлган... бўлганди...».

баби — ҳужасизлик. Кўрса-туви сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради.

фильм, 10.00 Молдавия Давлат филармо-ниясининг «Дэю Ава» гагауа халқ куйлари ансамбли ча-даи.

17.30 Янгилликлар. 17.40 «Амур жиллолари». Хаба-ровскадан кўрсатилади.

Чоршанба, 23

16.00 «Табиа ва биз». Кинопро-грамма.

16.00 «Табиа ва биз». Кинопро-грамма.

ТОШКЕНТ ШАХРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

11.10 «Великий Устюг ҳақида хо-тиралар». Телефильм.

16.05 Болалар учун фильм. «Пет-ров ва Васечкиннинг оддий, ғаройиб саргузаштлари».

Бадий фильм, 2-серия. 21.30 «Время».

Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Киев).

18.40 «Сузиб ўтилган киргоққа олиб борадиган сол». «Мавжуд шариқта кўра» туркумидан теле-визион очерк.

Пайшанба, 24

16.00 «Одамлар, шонинг менга». Бадий фильм (М. Горький номи киностудия).

19.45 «Комсомол прожектори». 20.00 «Ахборот» (рус.).

ТОШКЕНТ ШАХРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ахборот».

21.30 «Время». Телевизион бадий фильм, 2-серия.

19.30 «Қалб кўри йўрилган Ер». Пятигорскдан кўрсатилади.

12.00 Янгилликлар. 12.10 «Тўрт танкичи ва ит».

19.10 «Хайрлашув банкети». Ҳуж-жатли фильм премьераси (Хуш-ёрлик учун кураш Бутунроссия кўнглиги жамаитининг бюрут-масига биноан ВПТО «Видео-фильм» суратга олган).

Жума, 25

15.40 «Капитан Флинтнинг хари-таси». Мультифильм.

20.50 Ўзбекистон телевидени-сининг «Ахборот» (рус.).

ТОШКЕНТ ШАХРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ахборот».

21.30 «Время». Телевизион бадий фильм, 2-серия.

21.30 «Время». Телевизион бадий фильм, 2-серия.

12.00 Янгилликлар. 12.10 «Тўрт танкичи ва ит».

18.40 «Азал азалдан». Телевизи-он ҳужжатли фильм.

Шанба, 26

9.00 «Ассалому алайкум». Ин-формацион-музикали програм-ма.

15.05 «Композитор ва шоир Т. Но-сирий — мехмонимиз».

ТОШКЕНТ ШАХРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ахборот».

21.30 «Время». Телевизион бадий фильм, 2-серия.

21.30 «Время». Телевизион бадий фильм, 2-серия.

12.00 Янгилликлар. 12.10 «Тўрт танкичи ва ит».

19.05 «Совет маданий фонди-нинг хайрия кечаларида».

Якшанба, 27

9.00 «Ассалому алайкум». Ин-формацион-музикали програм-ма.

15.35 «Аёл хуснининг гаҳари». 16.05 «Уй-жой—2000».

ТОШКЕНТ ШАХРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ахборот».

21.30 «Время». Телевизион бадий фильм, 2-серия.

21.30 «Время». Телевизион бадий фильм, 2-серия.

12.00 «Савҳатчилар клуби».

19.05 «Совет маданий фонди-нинг хайрия кечаларида».

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«Тошкент оқшоми»

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

Телефонлар: қабулхона—32-53-76;

Якшанбадан ташқари, ҳар кун чизмади.